

Тўлов – шартнома (икки томонлама контракт) асосида мутахассис тайёрлашга

ШАРТНОМА № _____

Самарқанд ш.

«__» _____ 202__ й

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2012 йил 28 декабрдаги 508-сон «Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Буйруғи (Адлия вазирлиги томонидан 26.02.2013 й. 2431-сон билан рўйхатга олинган) билан тасдиқланган Низомга мувофиқ, Самарқанд Давлат университети номидан ректор Р.И.Халмурадов бир томондан

_____ иккинчи томондан

(жисмоний шахснинг фамилияси, исми, шарифи)

_____ ни

(талабанинг фамилияси, исми, шарифи)

_____ йўналиши бўйича _____ курсда _____

(таълим йўналиши (мутахассислик) номи)

таълим турида олий бакалавр, магистр қилиб тайёрлаш учун мазкур шартномани туздилар.

Томонларнинг мажбуриятлари:

1. Таълим муассасаси:

- ўқитиш учун Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ таълим муассасалари Уставида назарда тутилган зарур шарт-шароитларни яратиш;
- талаба (ўқувчи)ларга қонун билан берилган ҳуқуқларнинг эркин амалга оширилишини таълим муассаси Уставида мувофиқ мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш;
- мутахассисни тасдиқланган ўқув режаси ва дастурларга мувофиқ давлат таълим стандарти талаблари даражасида тайёрлаш;
- бошланадиган ўқув семестрида ўқитиш учун тўловнинг белгиланган миқдори тўғрисида ўз вақтида (ўқув жараёни бошланишидан олдин) хабар бериш;
- меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори ёки тарифлар ўзгарганда таълимнинг қолган муддати учун тўлов миқдори ҳақида хабар бериш;
- ҳар ойда ўрнатилган муддат ва тартибда (стипендияли шартномада) стипендия тўловларини амалга ошириш (ўқув йили учун белгиланган тўлов миқдоридан, ўқув йили давомида талаба оладиган стипендия миқдори, профессор-ўқитувчиларга бериладиган иш ҳақи ва ажратмалар миқдори ошиб кетган ҳоллар бундан мустасно);
- ўқишни тугатган битирувчи талабалар билан шартнома бўйича тўланган ортикча маблағлар мутахассис тайёрлаш учун буюртмачи (юримдик шахс) билан тузилган шартномага биноан буюртмачига ёки талаба (жисмоний шахс)га ўқишни тугатганлиги ҳақидаги буйруққа асосан қайтарилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори билан тасдиқланган «Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида»ги низомга, ҳамда Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси 2020 йил 23 апрелдаги 14-сон мажлис баёни қарорига асосан руҳсат этилган фуқароларни ўқув режасидаги фанлар бўйича фарқлар учун белгиланган шартлар бажарилмаганда ва талаба ўқиган қўшни хорижий мамлакатлар ОТМи томонидан белгиланган тартибга қўра тегишли ҳужжатлари тўлиқ тақдим этилмаган тақдирда университет томонидан талабалар сафига қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ расмийлаштирилмайди **ва тўланган контракт маблағи қайтариб берилади** (ўқимаганлиги ёки ҳужжатлар қалбакилаштирилганлиги аниқланган тақдирда **тўланган контракт маблағи қайта ҳисоб-китоб қиланади**).

2. Буюртмачи (жисмоний шахс):

- жорий ўқув йили учун белгиланган ўқитишнинг тўлиқ қиймати меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг _____ баробари _____ сўмни ўз вақтида (ҳар йили, тўлиқ ёки 2 марта бўлиб) тўлаши;
- белгиланган тўлов миқдорининг камида 50 фоизи _____ сўмни талабаликка тавсия этилган абитуриентлар 15 сентябргача, иккинчи ва ундан кейинги босқич талабалари 1 октябргача тўлайди;
- қолган қисми _____ сўмни (қисмларга бўлиб тўланган ҳолларда ҳам) 1 мартгача тўлайди;
- ўқув йили давомида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори ўзгарганда ўқитиш учун тўлов қайта ҳисоб-китоб қилинади ва контрактга тегишли ўзгартиришлар киритилади. Бунда, қайта ҳисоб-китоб фақатгина ўқув йилининг қолган муддати учун амалга оширилади. Қайта ҳисоб-китоб натижасида тўланиши лозим бўлган қўшимча маблағ, ўқитиш учун тўловни ошганлиги тўғрисидаги хабарнома олинган кундан бошлаб бир ой муддатда тўловни амалга ошириши лозим;

- шартнома пулларини тўлагандан сўнг икки кун мобайнида квитанция ва шартноманинг биттадан нусхасини контракт бўлимига тақдим этади;

– талаба университет, факультет, жамоат ташкилотлар, юқори ташкилотлар томонидан ташкил этиладиган тадбирларда иштирок этади;

Томонларнинг розилигига кўра қуйидаги бошқа шартларни бажариш мажбуриятини олади:

Тўлов-шартнома асосида ўқишга кирувчи абитуриентларни талабаликка қабул қилиш тегишли контракт расмийлаштирилгандан, бир ўқув йили учун ўқиш қиймати юридик ёки жисмоний шахслар томонидан тўланганлиги (тўлиқ ёки белгиланган миқдорнинг камида 50 фоизи) тўғрисида тасдиқнома олингандан сўнг, жорий ўқув семестри бошланган кундан бошлаб бир ойлик муддатдан кечиктирилмай таълим муассасаси бўйича буйруқ билан расмийлаштирилади.

Шартномани бекор қилиш:

1. Шартнома қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг ўзаро розилиги билан;

- таълим муассасаси маъмуриятининг ташаббуси билан университет ички тартиб қоидаларига асосан таълим олувчини ўқишдан четлаштирилганда;

- томонлардан бири шартнома шартларини бажармаганда;

- узрли сабаблар билан таълим олувчининг ташаббусига кўра;

- таълим муассасаси ёки ташкилот – буюртмачи тугатилганида (ушбу ҳолда томонлар ўртасида янги шартнома расмийлаштирилади);

- амалдаги қонунчиликда кўрсатилган бошқа ҳолларда.

2. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар томонларнинг келишувига асосан киритилади.

3. Томонлар ўртасида пайдо бўладиган низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида ҳал этилади.

Шартнома барча томонлар уни имзолаган кундан бошлаб кучга киради.

Эслатма: Талаба ўқув интизомини ва олий таълим муассасининг ички тартиб қоидалари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлиги, академик ўзлаштира олмаганлиги (қарздорлиги), бир семестр давомида узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ дарс қолдирганлиги, ўқитиш учун белгиланган миқдордаги тўловни ўз вақтида амалга оширилмаганлиги учун талабалар сафидан чиқарилса ёки курсдан-курсага қолдирилса тегишли ўқув семестри учун тўланган шартнома пули қайтариб берилмайди.

Томонларнинг юридик манзиллари:

Самарқанд Давлат университети

Почта манзили: 703004, Самарқанд шаҳри

университет хиёбони, 15 уй

Тел: 239-11-40, 233-00-88, 239-15-23

Тўлов реквизитлари: Молия Вазирлиги ягона Ҳазна ҳисоб варағи

х/р **23402000300100001010**

Марказий банк ХККМ Тошкент шаҳар бош бошқармаси

ИНН: **201122919**, МФО: **00014**

Самарқанд Давлат университети

ШХР: **400910860184017950100079002**

ИНН: **201213338**, МФО: **00278**, ОКОНХ:

92110

Буюртмачи (жисмоний шахс)

ф.и.ш.

Тўловчининг манзили: _____

Паспорт серия рақами: _____

(паспорт ким томонидан қачон берилган)

Томонларнинг имзолари

СамДУ ректори Р.И.Халмурадов

(Ф.И.Ш.)

М.Ў. _____ имзо

Бош ҳисобчи _____

(Ф.И.Ш.)

_____ имзо

Талаба _____

(Ф.И.Ш.)

_____ имзо

Жисмоний шахс; _____

(Ф.И.Ш.)

_____ имзо

Тел: _____